Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
6 август
ШАНБА
№ 63 (12907)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

25 йил

# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

❑ Рағбат

*Мамлакатимизда аёллар, айниқса, касб-ҳунар коллежларини битираётган қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, бунинг учун уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш ва соҳага оид ҳуқуқий билимларини ошириш, қизиқиш ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*

## ТАДБИРКОР ҚИЗЛАРДАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган "Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси" танлови ҳам бизнес билан шуғулланиш истагидаги қизлар учун яқин кўмакчи бўлмоқда.

Марказий банк вилоят бош бошқармасида мазкур танловнинг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банк, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармалари, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда 6 нафар иштирокчининг лойиҳаси сервис, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида энг яхши деб топилиб, танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

– Қувурлар ичида қулупнай етиштириш бўйича лойиҳа тузгандим, – дейди Қибрай туманидаги Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Умида Тошмуҳамедова. – Лойиҳам аниқ ҳисоб-китобларга асосланган, ёзин-қишин маҳсулот етиштириш мумкинлиги билан аҳамиятли. Аммо, очиғи, бошида ғалаба қозонишимга ишонмагандим. Танлов давомида мутахассисларнинг тушунтириш ва тасвиялари билан ўзимга бўлган ишончим ортди. Айни дамда, экспорт бўйича режа тузаяпман.

Тадбирда, шунингдек, танловнинг шаҳар ва туман босқичларида иштирок этиб, сараланган 50 нафар лойиҳа муаллифларига ҳам ўз бизнесини бошлаш учун тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*



❑ Август – ҳосилга ҳосил қўшиш зарбдор ойи



## ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ХИРМОН УЯДИ

*Деҳқоннинг табиати шунақа-ки, экини яшнаган сари дили яйрайди. Руҳияти-ю кайфияти экинининг ривожига монанд.*

Бугун Юқори Чирчиқ туманилик фермер Абдулҳамид Сайфиддиновнинг димоғи чоғ. Ғўзасининг авжи ўтган йилдагидан ҳам баланд, сершох, серкўсак. Кўсак бўлганда ҳам жуда бўлиқ. Аслида, ўтган йили ҳам ҳосил чакки бўлмади. Гектаридан 35 центнердан ошириб хирмон уйди. Бу анча-мунча фермерлар ҳавас қиладиган натижа.

"Ҳилолиддин" фермер хўжалиги раҳбарининг қувончига сабаб шуки, биринчидан, бу йил 46 гектар майдондаги буғдой баракали ҳосил тўкди. Давлат эҳтиёжлари учун 150 тонна ўрнига 160 тонна дон топширилди. Хўжаликнинг ўзига 100 тоннадан зиёдроқ буғдой қолиб, аъзоларнинг уйи ҳам донга тўлди.

Иккинчидан, саратон, айниқса, чилла ғоят иссиқ келишига қарамай, бутун жамоа бир ёқадан бош чиқариб, ғўзанинг ҳосил тугунчаларини тўкишига йўл қўймади. Аввало, ғўза ўғитга тўйдирилди. Гектарига 300 килограммдан селитра ва шунчадан карбомид, 200 килограммдан сульфат аммоний берилди. Буларга қўшимча дала бошларига жами 180 тонна, яъни гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилиб, асосан тунда шарбат қилиб оқизилди.

– Шарбат усули ғўзага кони фойда, – дейди хўжалик сувчиси Ҳайитбой Тожибоев. – Биринчидан, ўзи ҳам озиқа. Иккинчидан, тупроқни пўрсилдоқ қилиб, ғўзанинг илдизи яйрашини таъминлайди.

– Август ғўзанинг ҳосилга ҳосил қўшишида ҳал қилувчи ой эканлиги йиллар давомида синовдан ўтиб келаяпти, – дейди фермер. – Бизнинг эндиги вазифамиз ҳар куни ғўза оралашдан иборат бўлиб қолди. Бунда ҳикмат кўп. Негаки, ғўзанинг бағрига тез-тез шамол тегиб, ҳовури ва ғубори кўтарилади. Янги пайдо бўлган кўсакларни тўкиб юбормайди. Тўпланган жами ҳосил мавсум охиригача сақланиб қолади.

– Ҳозирдан ишонч билан айтишимиз мумкинки, бу йил ҳосилдорлик 45 центнердан кам бўлмайди, – дейди хўжалик аъзоси Тўлқин Акбаров. – Ҳар бир тупда тўпланган ҳосил чўғи шундан далолат бераяпти.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Даврон АҲМАД олган сурат.*

*Болалик кезларингиз ёдингиздами? Ўшанда... ҳов сокин боғларда олам-олам орзулар билан яшаётган чоғимизда юксак марраларни забт этган, элнинг назарида, кўпнинг ардоғида турган йўлчи юлдузимиз бўлгувчи эди. Биз уларнинг сўзига, хатти-ҳаракатларига тақлид қилар, ҳар соҳада улардек бўлишга тиришар эдик.*

❑ Ибрат

## «ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҚЎШГАН ҲИССА»

Орадан йиллар ўтиб, бир вақтлар "қаҳрамонимиз" бўлганларни эсласанда, аламнок ўйлар босади. Ахир, Ватанимиз, бахту иқболимиз йўлида жонини тикканлар, шаънимизни, довруғимизни олам аро шоён қилганлар бошқа экан-ку! Нега ўз қаҳрамонларимизни билмаганмиз, нима учун Павел Корчагин-у, Олег Кошевойлар, бугун номини-да айтишга тил бормайдиган ағёру мустабидлар кўз ўнгимизда қаҳрамон бўлиб қолган? Алалхусус, бу ишларнинг ҳаммаси нима учун эди, асл мақсад нима бўлган?

Салмоқлаб кўрилса, миллий тафаккурнинг уйғониши, умумхалқ руҳиятининг тетик, бардам бўлиши, улуғвор ишларга қодирлик кайфияти уйғониши учун-да ана шундай қаҳрамонлар, асл зотлар йўлчи юлдуз бўлиши керак. Ботирию қодирини, олимию асл муаллимини танимаган миллатни бошқариш осон... Сезиб турганингиздек, мана шу қиёсда, озгина фикр қилган киши бир ҳикматни уқади, яъни – ким эдигу ким бўлдик?

Бугун бир гўзал мамлакатда, сўлим маъвода давлатдорлик қилаётган халқимиз ўз қаҳрамонларини, юрт учун жон куйдираётган асл ўғлонларини, хушқалом қизларини, ақлу идрокда беназир фарзандларини танийди. Танийдигина эмас, уларнинг кўз ўнгимизда мангу достонга айланаётган ҳаёт йўлини янада гўзал, бекаму кўст бўлишига ҳисса қўшишни ният қилади. Энг муҳими, энг асосийси, бу ишларга давлатнинг ўзи бош-қош... "Ким эдигу ким бўлдик", "Биз – буюк юрт фарзандларимиз", "Чемпион билан учрашув", "Давр ёшлар нигоҳида", "Замон қаҳрамонлари" мавзуларида ўтказилаётган тадбирлар, эълон қилинаётган телелавҳалар, мақолаю суҳбатлар фикримиз далилидир.

Бизнинг халқимиз, ғамхўр давлатимиз ғолиб ва музаффар авлодни бошига кўтаради, шундай азамат фарзандни камолга етказган ота-оналарни ҳам тақдирлайди, истиқлол қаҳрамонлари сифатида элга танитади. Шу маънода, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилаётган "Ватан тараққиётига фарзандларимиз қўшган ҳисса" номли тадбир ана шундай юксак эътибордан нишонадир.

Давоми 4-бетда.

❑ Давра суҳбати

*Вилоят ҳокимлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва кенг жамоатчилик иштирокида "Мустақиллик – нурли истиқболимизнинг, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам асоси" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини кенг нишонлаш, ўтган давр ичида эришилган ютуқлар ва натижалар таҳлили ҳамда келгуси тараққиёт йўлимиз истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.*

## ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Сўзга чиққанлар истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқларни қайд этиш асносида, мамлакатимизда қонунчиликнинг мукаммал тизими яратилгани, бугун Ўзбекистон аҳолиси қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўладиган давлатлар рейтингида етакчи ўринларда бораётганини таъкидладилар.

– Икки палатали парламент фаолиятининг йўлга қўйилиши, мамлакат тараққиётига, халқ фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қиладиган мукаммал қонунлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А. Қирғизбоев. – Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш мақсадида марказда ва жойларда қонунлар ижросини таъминлаш бўйича Парламент назорати кучайтирилиб, унга ижро этувчи ҳокимиятни шакллантиришга қаратилган янги ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг сиёсий ва ижтимоий тизими демократлаштириш йўлидан босқичма-босқич илгарилаб бораётганлигининг яққол далилидир.

Шунингдек, йиғилишда истиқлол йилларида фермерлик ҳаракати қишлоқларда ҳал қилувчи куч сифатида муҳим аҳамият касб этаётгани, қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари жорий этилиб, хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар жадаллашаётгани ҳаётий мисоллар ёрдамида очиб берилди.

**Фарҳод ТОЛИПОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ФАРОБИЙ НОМИДАГИ МАҲАЛЛА

**"Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлди**

❑ Кучли фуқаролик жамияти сари



Ҳакамлар ҳайъати узоқ тортишувдан кейин ана шундай хулосага келдилар. Аслида Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида ташкил этилган мазкур беллашувда кўрик-танловнинг шаҳар ва туман босқичларида энг яхши натижаларни қўлга киритган 18 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳар бири ғолибликка муносиб эди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасида ўтказилган ушбу танлов "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида юқори савияда ташкил этилди. Унда фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, хусусан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида эришилган ютуқ ва натижалар, ижобий иш тажрибалари ошкоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида баҳоланди. Шу билан бирга, асосий фаолият йўналишлари бўйича жамоатчилик комиссиялари ҳамда йиғинларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ташкил этилган маслаҳат марказлари, "Ота-оналар университетлари" фаолиятини самарали ташкил этиш, "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги доирасида амалга оширилган ишлар атрофлича кўрсатиб берилди.

Иштирокчи фуқаролар йиғинлари ходимларининг иш фаолиятида учрайдиган саволларга берган жавоблари, дунёқараши ва ҳозиржавоблиги ҳам синовдан ўтказилди. Шунингдек, маҳаллаларни комплекс ривожлантириш, соҳага оид илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, айни чоғда яратилган кенг имкониятлардан нечоғли тўғри фойдаланаётгани, фаолиятни тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатлари ижроси, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ҳамда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини таъминлашга оид ишлари сарҳисоб қилинди.

Давоми 2-бетда.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасини www.th.uz сайтида кузатиб боринг

- Беруний бобонинг қибрайлик набираси
- Қуёш Пскомдан нур сочади
- Она – миллат тарбиячиси

# АМАЛИЙ ИШЛАР, ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР САРҲИСОБИ

*"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг VII ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда ҳудудий кенгашлардан сайланган делегатлар, фаол ва иқтидорли ёшлар, ҳамкор ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

❑ Ҳисобот-сайлов конференцияси




Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда мазкур Ҳаракатнинг ўрни ва фаоллиги тобора юксалиб бораяпти. Буни айни пайтда вилоят кенгаши тасарруфида 18 та туман ва шаҳар кенгашлари, шунингдек, 1 минг 269 та бошланғич ташкилот самарали фаолият олиб бораётгани яққол ифодалайди. Бугун вилоят ёшларининг 352 мингдан зиёди Ҳаракат аъзоси саналади. "Камалак" болалар ташкилоти эса 170 мингга яқин аъзони ўз сафига бирлаштирган.

Конференцияда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Музаффар Ражаббоевнинг ҳисоботи тингланди. Нотиқ ўз маърузасида вилоят кенгаши охирги 2,5 йилда олдига қўйган вазифаларни катта ташкилотчилик ва фаоллик билан уддалашга ҳаракат қилганини, ёшларимиз ҳаётда ва ижодда кўплаб муваффақиятларга эришганликларини мамнуният билан қайд этди.

– Бироқ, шунга қарамай, – деди маърузачи, – эътибордан четда қолаётган масалалар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш, ёшларнинг барча қатламлари ҳаётига чуқурроқ кириб бориш, эртамиз эгаларининг бандлигини тўлақонли таъминлаш ана шундай вазифалар сирасидандир. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини янада кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларга батамом барҳам бериш борасида ҳали амалга оширилиши лозим бўлган юмушлар кўп.

Конференцияда Ҳаракат тизимида қўлга киритилган ютуқлар, ўтказилган тадбирлар ва уларнинг самаралари аниқ далил ва рақамлар воситасида, видеороликлар орқали намойиш этилди.

Анжуманда сўз олганлар Ҳаракатнинг вилоят кенгаши фаолияти ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида фикр юритдилар. Иштирокчилар "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ва назорат-тафтиш комиссияси таркибини тасдиқлаб олдилар. Шунингдек, Ҳаракатнинг навбатдаги IV Қурултойига вилоятдан делегатлар сайланди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси лавозимига Дониёр Каримов номзоди делегатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев, Тошкент вилояти ҳокими Содиқ Абдуллаев иштирок этди.

**Алишер РАҲМАТОВ.**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

❑ Кўргазма

## ВИЛОЯТНИ «ЯЁВ КЕЗГАН» СУРАТКАШ

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг Тошкент Фотосуратлар уйида фоторассом Султонбой Деҳқоновнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Юрт мадҳи" мавзуидаги 70 дан зиёд фотосуратларидан иборат шахсий кўргазмаси очилди.*

Фотосуратларда тобора ўзгариб, чирой очиб бораётган юртимизнинг гўзал манзаралари, ўзимизга хос турмуш тарзимиз, урф-одатларимиз, миллий маданиятимизнинг айрим қирралари, замондошларимизнинг самимий сиймолари акс этган. Экспозициядан ўрин олган "Биз бунёдкор халқмиз", "Юрт фахри", "Бахтли болалар", "Анъаналар", "Хотира", "Умр манзараси" туркумидаги фотосуратлар, шунингдек, "Пиллакорлар. Бекобод тумани", "Бекободлик уруш фахрийси", "Хотира майдонидаги уй", "Бекобод шаҳри", "Турналар. Чирчиқ шаҳри" каби вилоятимизнинг диққатга сазовор жойлари ҳамда замондошлар қиёфаси акс этган фотосуратларни мухлислар завқ билан томоша қилмоқдалар.

С. Деҳқонов Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида, Тошкент фотосуратлар уйи қошидаги Фотосанъат мактаб-студиясида таҳсил олган. Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмасининг фоторассомлар шўъбаси аъзоси. Юртимиз бўйлаб кўплаб ижодий сафарларда бўлган. Тасвирга туширган фотосуратлари 2004 йилдан вилоят ва республика газеталарида босила бошлаган. Ўнга яқин шахсий фотокўргазмалари ташкил этилган. 2008 йилда "Маҳалладан бошланар Ватан" республика фототанловида Ўзбекистон Бадиий академиясининг "Гран-при" мукофотига сазовор бўлган. Айни пайтда у Бекобод туманидаги Янгиқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

# ФАРОБИЙ НОМИДАГИ МАҲАЛЛА



Бошланиши 1-бетда.

Тадбир давомида таниқли санъаткорларнинг чиқишлари танловга байрамона шукуҳ бағишлаб турди.

Танлов шартларини мукаммал бажарган Зангиота туманидаги Фаробий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини биринчи, Паркент туманидаги "Қуруқсой" маҳалла фуқаролар йиғини иккинчи ва Оҳангарон туманидаги "Бахт" маҳалла фуқаролар йиғини учинчи ўринларни эгаллади.

– Танлов йил сайин такомиллашиб бормоқда. Бу йил ўтказилган кўрик том маънода тажриба майдонига айланди, – дейди Зангиота туманидаги Фаробий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Мўминжонов. – Унда иштирок этиб, маҳалланинг имкониятлари ниҳоятда кенг эканлиги, бу борада ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозимлигига ишонч ҳосил қилдик.

*Ғолиблар диплом ва "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Ғолиб жамоа "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танловининг якуний босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.*

**Ўз мухбиримиз.**
*Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.*

❑ Агар огоҳ сен...

*Яқин ўтган кунларимизни бир эсланг-а. Бозорлар ҳувиллаб қолган, савдо расталарида тақчиллик, узундан-узун навбат кутишлару ур-тўполонлар... Эҳ-ҳе, у пайтлар оддий ҳолга айланиб қолган бундай қийинчиликларни бугунги ёшлар, ҳатто, тасаввур ҳам қила олишмаса керак.*

# ЙЎҚЧИЛИК ВА ТЎҚЧИЛИК

Тавба, аслида тўй хурсандчилик дегани. Аммо-лекин, у пайтларда бундай маросимлар охири йўқ ташвишнинг ўзи эди. Тўйбошилар қимматбаҳо мебель ё зебу зийнатларни қўя туринг, келинбола учун бир кийимлик атлас топиш илинжида магазинма-магазин, базама-база сарсон бўлишарди. Аёлларимиз меҳмон келса, уятдан дастурхоннинг попугини ўйнаб қолмайлик, деб бир калла қанду саккиз дона парвардани бола-бақранинг кўзидан пана қилиб, сандиқда асрашарди.

Нега шундай эди, деб ўйлаб қоламан. Негаки, собиқ тузум даврида жаннатмонанд диёримиз иттифоқнинг пахта етиштирадиган томорқасига айланиб қолганди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, хўжалик ва саноат моллари таъминотида бутунлай марказга қарам эдик. Бир сафар Юртбошимизнинг ўта куюнчаклик билан айтган гапларини эшитиб, даҳшатга тушганман. Чунки, мустақил бўлганимизда давлат омборида одамларни бир ҳафтагина боқишга етадиган дон қолган экан.

Шуларни ўйлаганда, э, бу мустақиллик дегани қандай бебаҳо неъмат экан-а, дейман ўзимга ўзим. Шаҳар-ку шаҳар, аммо, қишлоқ жойлардаги бозорларни, савдо нуқталарини бир айланиб кўринг. Одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса бор-а! Яна денг, кўпи ўзимизнинг корхоналарда ишлаб чиқарилган ранг-баранг маҳсулотлар. Кўзингизга чўғдек бўлиб кўринган бирор нарсани олиб, ёрлиғига қарасангиз – ўша ёқимли ёзув: "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган".

Бор жойда бол арзон, дейдилар. Йўқчиликдан асрасин. Бугунги мўлкўллик, сероблик халқимизнинг чинакам фаровон, файзу баракотли турмушидан далолатдир. Бундай фаровон кунларнинг қадрига етайлик, шукрини келтирайлик. Фарзандларимизга ҳам шуни ўргатайлик.

**Эргаш РЎЗИБОЕВ,**
**меҳнат фахрийси, Бекобод тумани.**

# ТАФАККУРНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

❑ Маънавият

*Ёшларнинг маънан етук бўлиб вояга етишини таъминлашда китобнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда юртимизда китобхонлик ва мутолаа маданиятини оммалаштириш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Шу каби саъй-ҳаракатлар натижасида бунёд этилаётган замонавий ва муҳташам китоб дўконлари ёшларимизнинг севимли масканларига айланиб бормоқда.*

Вилоятимиз бўйлаб "Юксак маънавият – келажак пойдевори" шиори остида ўтказилаётган "Оилавий китоб байрами" ана шундай тадбирлардан биридир. Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Ўздавкитобсавдотаъминот" ташкилоти, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур маданий тадбир вилоятимиз туман ва шаҳарларида кўтаринки кайфиятда ўтказилмоқда.

Паркент туманидаги "Қўшчинор" маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбир ҳам худди шундай руҳда кечди. Тадбирга ташриф буюрган китобхонлар мустақиллик йилларида адабиёт, маданият ваноширлик соҳаларида қўлга киритилган ютуқ ва марраларимизнинг маъно-моҳиятини дилдан ҳис қилиб, фарзандларимиз маънавиятини юксалтиришга, қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашга катта эътибор қаратилаётганига яна бир бор амин бўлдилар.

Тадбир давомида "Энг яхши китобхон", "Китоб – энг яхши совға", "Китобхон оила" мавзуларида интеллектуал мусобақалар, викториналар, ижодий танловлар, ижтимоий сўровномалар ўтказилди.



"Оилавий китоб байрами" давомида санъаткорлар ҳамда шоир ва ёзувчиларнинг чиқишлари йиғилганларга хуш кайфият улашди.

Тадбир вилоятимиз туман ва шаҳарлари бўйлаб 12 августгача давом этади.

**Ф. РАВШАНОВ.**
*Мансур БЕРКИНБОЙ ўғли олган сурат.*

# ДИЛБАНДИ ҲАҚИНИ УНУТГАН ОТАЛАР

*Фарзанд дунёга келар экан, унинг ота-онасида бир қатор ҳақи бўлади. Шулардан бири моддий таъминотдир. Фарзанд вояга етгунга қадар она унинг тарбияси, парвариши билан шуғулланса, отаси таъминотини ўз бўйнига олади. Лекин, орамизда шундай оталар ҳам борки, арзимаган сабаблар билан оиласи барбод бўлгач, фарзандларидан ҳам юз ўгирадилар, яъни унинг таъминотидан бўйин товлайдилар.*

❑ Қонун ҳимоясида

Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 2015 йил 20 август кунидаги суд буйруғига кўра, фуқаро Э. Сугурбаевдан вояга етмаган фарзанди учун белгиланган тартибда алимент ундирилиши тўғрисида қарор қабул қилинган. Аммо Э. Сугурбаев алимент тўлашдан бўйин товлаб юргач, собиқ турмуш ўртоғи Д. Юсупова прокуратурага ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Аризани ўрганиб чиқиш давомида шу йилнинг 30 май куни ҳолатига унинг алиментдан жами қарзи 1 миллион 338 минг сўмдан ошгани аниқланди.

Тегишли чора-тадбирлар натижасида, мазкур алимент пуллари Д. Юсупова фойдасига ундириб берилди.

Зангиота тумани, Қизғалдоқ қишлоғи, "Эъзоз" маҳалласида яшовчи Р. Абдухолиқов собиқ турмуш ўртоғи Д. Абдухолиқовага вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун 2015 йил 27 май кунидан бошлаб ҳар ойда даромадининг 1/4 қисми миқдорида ҳамда фарзанди 3 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда 80.000 сўмдан тўлаб бориши керак бўлган. Лекин, у ҳам алимент пулларини тўлашдан ўзини олиб қочди. Натижада, Р. Абдухолиқовга нисбатан Зангиота тумани ИИБ ТБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилди.

Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг 2016 йил 6 июндаги ҳукмига кўра, Р. Абдухолиқов ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Фарзанд оиласи бағрида ёки ундан алоҳида яшаса ҳам фарзандлигича қолаверади. У отанинг зурриёди, ҳаётининг давомчиси. Шундай экан, фарзандлар тақдирига бефарқ қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки улар юрт келажаги ва давлатимиз таянчи сифатида доим қонун ҳимоясида.

**Даврон ИСРОИЛОВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**

## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

Пискент Паркент Ангрен Янгийўл Бўстонлиқ Бекобод Чирчиқ Зангиота Чиноз Тошкент Оққўрғон

### ЧЕВАРЛАР ЖАМОАСИ ИЗЛАНИШДА

**Оҳангарон туманидаги "KEO SUNG TEXTELE" масъулияти чекланган жамиятида аёллар ва болаларга аталган 30 турдаги кийим-кечаклар тикилмоқда.**

Бу ерга 220 миллион сўмлик сармоя ҳисобидан хориждан келтирилган замонавий бичиш-тикиш, дазмоллаш ҳамда гул солишга мўлжалланган дастгоҳлар чеварлар мушкулини осон қилмоқда. Ўтган йили буюртмачиларга 500 миллион сўмлик тайёр кийим-кечак сотган жамоа жорий йил маҳсулот ҳажмини янада ошириш ҳаракатида. Негаки, 35 киши меҳнат қилаётган корхона мамлакатимиздаги йирик саноат тузилмаларидан махсус ишчи кийим-бошлари тайёрлаб бериш бўйича улгуржи буюртмалар олган.

**Шерзод ШУҲРАТОВ.**

### ҚИШЛОҚДА ЯНА БИР ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ

**"Фарангиз". Оққўрғон туманининг "Зарафшон" маҳалласида иш бошлаган гўзаллик салони худди шундай номланади.**

Маҳалла фаоллари саъй-ҳаракати билан очилган мазкур маиший хизмат уйида ўз ишининг моҳири бўлган тажрибали стилистлар аҳоли, хусусан, аёлларга намунали хизмат кўрсатишмоқда.

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси Сарвиноз Жўрабоеванинг билдиришича, яқинда гўзаллик салони ва маҳалла ҳамкорлигида ўқув маркази ҳам ташкил этилаётган экан. Мақсад – ёшларга ҳунар ўргатиш ва бундай гўзаллик масканлари фаолиятини ҳудуд бўйлаб янада кенгайтиришдир.

**Ўз мухбиримиз.**

### «ОЙДИНДА ОЙ ҚИДИРГАНЛАР»

**Бўстонлиқ туманида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ёшларни ақидапарастлик оқимлари ва миссионерлик таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида "Ойдинда ой қидирганлар" видеофильми муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.**

Тадбирда сўз олганлар туманда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни турли хавф-хатарлардан асраш, уларнинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват бўлиб вояга етишлари учун жамоатчилик ва аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Қизғин баҳс-мунозара, савол-жавоблар остида ўтган тадбир барчани яна бир бор ҳушёрликка чорлади.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

### ТАЪТИЛ СПОРТ БИЛАН МАЗМУНЛИ

**Янгийўл тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида теннис бўйича мусобақа ташкил этилди.**

Умумтаълим мактаблари ҳамда БЎСМ шуғулланувчилари билан бирга 120 дан ортиқ ўқувчи беллашган мусобақада 1-ўринни ўғил болалар ўртасида тумандаги 62-мактабдан А. Омонов, қизлар орасида 37-мактаб ўқувчиси Л. Тўхтамуродова эгаллашди.

Тадбир сўнгида ғолибларга ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

### КЎНГИЛ ЗИЁРАТИ

**Юқори Чирчиқ туманида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган "Кучли ижтимоий ҳимоя – асосий мақсадимиз" акцияси ўтказилди.**

Ўзбекистон ХДП, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашлари ҳамкорлигида ташкил этилган акция доирасида маҳаллий кенгаш депутатлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда партия фаоллари тумандаги 25 нафар боқувчисини йўқотган оилалар ва ногиронларга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда эсдалик совғалари улашишди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

# «ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҚЎШГАН ҲИССА»

Вилоятимизнинг сўлим гўшаси – "Бўстон" сиҳатгоҳида эртага бўлиб ўтиши кутилаётган мазкур танловнинг якуний босқичи – тақдирлаш маросимига ўз иқтидори ва интеллектуал салоҳияти, ташаббускорлиги билан юрт равнақи йўлида муносиб хизмат қилаётган бир гуруҳ ёшларимизнинг ота-оналари таклиф қилинди. Аслида уларни танийсиз – зотан айнан улар сизу бизга, азиз фарзандларимизга сабот ва ирода бобида сабоқ берган, юртга муҳаббат ҳиссини юқтирган эди. Йўқ, хулоса қилишга шошилманг. Бу қандай бўлганини ҳозир айтиб берамиз. Франциянинг Бельфор шаҳрида рақибасига мағрур нигоҳ ташлаб, охирги юришини амалга оширганча: "Мот!" дея юзлари ёришган ёшгина қизалоқ – чирчиқлик Гулрухсор Эсонбоевагина эмас, унинг волидаси, касб-ҳунар коллежида ёшларга сабоқ бераётган Мироятхон она эди! Ўша нигоҳ, ўша қатъият Гулрухсорнинг отаси Рисқиддин Эсонбоевнинг ҳам қалбида аксланган. Ўрта чирчиқлик Шуҳрат Аҳмедов "Мадониз" кўп тармоқли фермер хўжалигида 64 тонна супер элита уруғлик буғдой навларини етиштириб, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлганида, давраларда тажрибасини сўзлаб бераётганида, бу сўзлар аслан унинг падари бузруквори Тўлқин отанинг ҳам сўзлари эди. Ака-ука Беҳзодбек ва Бобурбек Болтаевлар халқаро олимпиадаларда олтин медални қўлга киритганларида, кўксиларини "Шуҳрат" медали безаганида, фахру ифтихорга чўмган, меҳнатлари рўёбга чиққанидан энг кўп қувонган отаси – Матёқуб Шиҳринов эди!

Бошланиши 1-бетда.

*Ҳурматли газетхонлар! Вилоятимиз ифтихорига айланган ўша ёшларнинг ҳаёт йўлига, эришган марраларига бағишланган мақолаю суҳбатларни газетамиз орқали ўқигансиз, биласиз. Бугун қутлуғ тўй арафасида яна бир марта уларни сизга таништирар эканмиз, бир олам орзулар билан вояга етаётган ўғил-қизларингизга бу асл йўлчи юлдузлар, қаҳрамонлар билан юзлашиш палласи эканини уқтирасиз, деган умиддамиз. Зотан, китобдан бош кўтармай, машғулотларга дадил киришган жигаргўшаларимизнинг столида шу қаҳрамонлар сурати туришини, улар ҳам шулардек бўлишга интилишларини жудаям хоҳладик. Марҳамат, вилоятимиз ифтихорлари билан танишинг, азиз ёшлар! Улардан ўрнак олинг, бу сафларни тўлдиринг!*

**ТАҲРИРИЯТ.**



*Болтаев Беҳзодбек Матёқуб ўғли. 1995 йилда Ангрен шаҳрида туғилган. 2013 йилда Тошкент шаҳрида кимё фанидан бўлиб ўтган 47-Халқаро Менделеев Олимпиадасида кумуш, Москва шаҳрида бўлиб ўтган 45-Жаҳон Олимпиадасида олтин медалларни қўлга киритган. Оилада укаси Бобурбек ва синглиси Моҳирага ўрнак бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан 18 ёшли Беҳзодбекнинг эришган ютуқлари юқори баҳоланиб, "Шуҳрат" медали билан мукофотланган.*



*Болтаев Бобурбек Матёқуб ўғли. 1997 йилда Ангрен шаҳрида туғилган. Бобурбек 2014 йилда Москва шаҳрида кимё фанидан бўлиб ўтган 48-Халқаро Менделеев Олимпиадасида бронза, шу йили Вьетнамнинг Ханой шаҳрида бўлиб ўтган 46-Жаҳон Олимпиадасида бронза, 2015 йилда Озарбайжоннинг Баку шаҳрида бўлиб ўтган 47-Жаҳон Олимпиадасида бронза медалларни қўлга киритган. 2015 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицейни тамомлаб, шу институтга имтиёзли ўқишга қабул қилинган. Ҳозир даволаш йўналиши бўйича 2-босқич талабаси.*



*Бобоева Зулхумор Баҳодир қизи. 1996 йилда Ангрен шаҳрида туғилган. 2007 йили Японияда ўтказилган каратэ бўйича Жаҳон чемпионатида фахрли ўринни эгаллаган. 2008 йили Руминияда ўтказилган Европа очиқ чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритган. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.*



*Бобоева Зулайҳо Баҳодир қизи. Шотакан каратэ-до ва W.S.K.U йўналиши бўйича 4 карра Жаҳон чемпиони.*



*Сахатов Миран Мирюнусович. 1991 йилда Бўстонлиқ туманида туғилган. 2014 йили Корея Республикасида ўтказилган паралимпия ўйинларида югуриш бўйича 2 та кумуш, эстафета бўйича олтин медаллар билан тақдирланган. Бразилияда бўлиб ўтадиган паралимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритган. "Эътироф – 2014" танловида "Энг матонатли спортчи" деб топилган.*



*Баймуродова Севара Неъмат қизи. 1990 йилда Бекобод туманида туғилган. Чирчиқ олимпия захиралари коллежида таҳсил олган. Айни пайтда Ўзбекистон шахмат федерациясида ижрочи директор ўринбосари вазифасида ишлайди. Севара 2015 йилда "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланган. Халқаро тоифадаги спорт устаси.*



*Раҳматов Ўткиржон Мирзақулович. Бекобод туманида туғилган. Вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказида жарроҳ. Жигар, ўт йўллари ва ошқозон ости касалликларида шошилинч жарроҳлик мавзуига оид докторлик диссертацияси устида ишламоқда. Фаолияти давомида 10 мингдан ортиқ жарроҳлик амалиётини муваффақиятли ўтказган.*



*Абдусаломова Кумуш Шокир қизи. 1996 йилда Қуйи Чирчиқ туманида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида таҳсил олади. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси томонидан "Энг ёш ижодкор" дея эътироф этилган (2013). "Куйламасам бўлмайди" номли шеърий китоби Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан 20 минг нусхада чоп этилган.*



*Салоҳова Сарвиноз Садриддин қизи. 1997 йилда Паркент туманида туғилган. У 2011-2015 йиллар давомида мактаб, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари ўртасидаги билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида ғолиб бўлган. Ҳозирги кунда Тошкент Давлат юридик университети талабаси.*



*Эсонбоева Гулрухсор Рисқиддиновна. 1991 йилда Чирчиқ шаҳрида туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети талабаси. Гулрухсор 2002-2005 йилларда Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида ўтказилган Халқаро шахмат мусобақасида II даражали диплом билан тақдирланган. 2004 йили 14 ёшгача қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатида фахрли 1-ўринни эгаллаган. 2005 йилда Франциянинг Бельфор шаҳрида 14 ёшгача қизлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этган.*



*Муродов Умид Абдувалиевич. 1987 йилда Бўка туманида туғилган. 2013 йилда "Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси" кўрик-танловида ғолиб бўлган. Халқ таълими аълочиси. Ҳозирги кунда Олмалиқ шаҳридаги 23-умумтаълим мактабида директор ўринбосари вазифасида меҳнат қилмоқда.*



*Масалиев Муроджон Исмоил ўғли. 1991 йилда Оққўрғон туманида туғилган. 19 ёшида "Масалиев Муроджон Барака" фермер хўжалигини ташкил этган. Ҳарбий хизматдан берилган имтиёзли тавсиянома асосида Тошкент Давлат аграр университетига ўқишга кирган. У "Ҳуқуқ билимдонлари", "Талаба ва ёшлар", "Солиқ билимдонлари", "Тафаккур синовлари" каби республика танловларида фахрли ўринларни эгаллаган.*



*Қосимов Комил Абдуносирович. 1976 йилда Зангиота туманида туғилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат қурилиши академиясида таҳсил олган. Оилали, тўрт фарзанди бор. У раҳбарлик қилаётган корхона 120 номда, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган тайёр дори воситалари ишлаб чиқаради. Корхонада 320 ходим меҳнат қилади, уларнинг 80 фоизи ёшлар.*



*Эргашев Комилжон Маърупович. Паркент туманида туғилган. "Муҳандис плюс лойиҳа" МЧЖ раҳбари. Оилали, 3 фарзанди бор. У раҳбарлик қилаётган жамоа 2015 йилнинг ўзида 5 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарган. Жумладан, 4 та касб-ҳунар коллежи таъмирдан чиқарилган, 20 та намунали турар жойлар ўз вақтида ва юқори сифатда эгаларига топширилган.*



*Аҳмедов Шуҳрат Тўлқинович. 1970 йилда Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. 2003 йили "Мадониз" фермер хўжалигини ташкил этган. У ўз хўжалигида пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга олиб чиққан. Оилали, 4 фарзанди бор.*



*Холмирзаев Шаҳбоз Иброҳим ўғли. 1996 йилда Бекобод шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаси. Шаҳбоз спортнинг академик эшкак эшиш тури бўйича 2014 йили Тайванда ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида кумуш, 2015 йили Сингапурда ўтказилган Осиё кубогида кумуш, 2016 йили Жанубий Кореяда ўтказилган Осиё чемпионатида олтин медалларни қўлга киритган. Шу кунларда Рио-де Жанейро шаҳрида ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш тараддудида.*



*Юсупов Шавкат Шуҳратович. 1985 йилда туғилган. Қибрай туманидаги 14-умумтаълим мактабида таҳсил олган. Ўзбекистон халқ устаси Эргаш Сафаровга шогирд тушиб, ёғоч ўймакорлиги сирларини пухта ўрганди. Бугун моҳир ҳунарманд бўлиб элга танилган Шавкат Юсуповнинг ишлари 16 та халқаро, 40 та республика миқёсидаги кўрик-танловларда эътироф этилган. Хусусан, "Ташаббус" кўрик-танловида "Йилнинг энг намунали ҳунарманди" деб топилган. Жанубий Кореяда ўтказилган "Буюк Ипак йўли" фестивали қатнашчиси.*

Таассуф

*Ҳаёт экан-да, баъзида шундай манзарага дуч келамизки, очиғи, кўнгил безовта бўлади, хато сари илк қадам қаерда ташланган ўзи, деган ҳақли саволлар кишини ўйга толдиради. Бу мавзуга кейинроқ қайтамиз, дастлаб жараёнга нигоҳ ташлаб кўрайлик.*

# ҚАБОҲАТНИНГ ПАЙИ ҚИРҚИЛДИ

Тошкент вилояти, Чиноз туманида туғилган Умид Холматов авжи йигитлик пайтида, 30 ёшни қаршилаб турган паллада мўмай даромад илинжида чет элга ошиқади. Яна денг, яқин қариндошлари ҳамда маҳалладошлари – Мирзоҳид, Сирожиддин, Азиз, Беҳзод билан бирга. Ўттиз ёшнинг нари-берисида турган бу йигитларнинг қўлида ҳунари бор, устачилик, омилкорлик бобида маҳаллада, улусда шулар тилга олингувчи эди. Ваҳки, ёшлик шижоати барқ уриб турган йигитлар ўзимизда ишлашни маъқул кўрмай, аллабир ковакдан ризқ ахтардилар. Кўргулик фақат шугина эмас-да, олдинда уларни ният-мақсади ғайир кимсалар иштаҳа билан кутиб турар эди.

Хуллас, бу бешовлон Россия Федерациясининг Пенза шаҳрида учрашдилар. Чиноздан борган тўрт оға-ини аввалига икки гуруҳга бўлинганча, бир амаллаб кун кечириб турдилар. Ўтган-кетгандан иш сўраб, ҳар қандай юмушни бажариш эвазига нон топаётган юртдошлар кейинроқ яна бирлашиб, шаҳар марказидан икки хонали уйни ижарага олдилар-да, осмондан чалпак ёғишини кутганча кун ўтказавердилар. Орада майда-чуйда ишлар топилгандек бўлди, кимнингдир қора юмушини бажариб, беш-тўрт танга санагандек бўлишди ҳам.

Аммо, бу вақтда бегона юртнинг бегона муҳитига шўнғиб кетган тўрт маҳалладошга Шермирза исмли кимса шерик бўлади. Ижара уйнинг тангу тор хонасида – соддадил беш оға-ини маҳалладош ҳамда Фарғона вилоятида туғилган Шермирза Имомов тонготар суҳбатлар қуришади. Дастлаб одмигина гапдан, имон-эътиқод ҳақидаги жўяли туюлган мулоҳазалардан бошланган мулоқот секин-аста кескин тус олади. Эндиликда Шермирза дунёнинг ўткинчилигию, тарки намознинг даҳшатли оқибатларини айта туриб, чўнтак телефонидан турли нораво чорлов ва даъватлар ёзилган видеоларни кўрсатади. Масаланинг моҳияти қаёққа кетиб бораётганини илғаб-илғамаган бешовлон эса унинг гапларига маҳлиё бўлиб, бу сохта мужтаҳиддан ибодат шартлари ва мўминлик сабоқларини ола бошлайдилар.

Шундай қилиб, гўё ишлар жойида – ундамунда пул топиб туришибди, уйда эса Шермирза "имом"нинг киши руҳини ҳаяжонга солувчи, аросатга етакловчи суҳбатларини, Ватандан жудо бўлиб, интернет майдонида сўзбозлик қилаётган бузғунчиларнинг сўзларини тинглар эдилар. Сезиб турганингиздек, гапнинг пайрови сиёсий мавзуларга кўча бошлади. Бешовлон ва уларга ғоявий раҳнамолик қилаётган олтинчининг таъсирида мусулмон мамлакатларида кечаётган ижтимоий-сиёсий воқеликни талқин, таҳлил қилишга тушиб, кўрган видеолари, виртуал равишда тинглаган даъватларидан хулоса қилиб, жиҳод ҳақида ўйлай бошладилар.

Бу орада йигитларнинг ўзлари ҳам англадиларки, "чет элда супуриб олинадиган бойлик" ҳақидаги гаплар чўпчак бўлиб чиқди. Хуллас, улар бирин-кейин ортга – Ватанга қайтдилар. Шермирзанинг режалари, жиҳодга чорловлари ҳали қиёмига етмаган, унга яна озроқ вақт керак эди. Ҳамма иш шунга қараб кетаётган эди. Гарчи у ўз мақсадига тўла етмаган бўлса-да, чинозлик бешовлоннинг онгини заҳарлашга, имон-эътиқод ҳақидаги тасаввурларини ёлғон ақидалар билан булғашга эришган эди.

Буёғини тасаввур қилиб турибсиз: бешовлон юртга қайтгач, анча вақт ўша даъватлар таъсирида юришди, масжид ва жамоат жойларида "катта домла"дан ўрганганларини писанда қилиб, ҳаёт ҳақиқатини ўша сохта мезонлар билан талқин қила бошладилар. Уларнинг ножўя қадам олишлари тезда ҳуқуқ-тартибот идоралари назарига тушди. Сўраб-суриштирувлар натижасида маълум бўлдики, уларнинг ҳеч бири қилаётган ишлари, ўй-хаёллари, қачонлардир ўтиб кетган дея ҳисоблаган жиҳодий мавзудаги суҳбатларининг асл моҳиятини, давлат ва жамиятга қандай зарар келтиришини чамалаб кўрмаган, бу ҳақда умуман ўйламаган эканлар. Одил суд уларнинг иқрорларини тинглаб, тегишли ҳукм чиқарди. Инсонпарварлик намунаси кўрсатилиб, она Ватан уларни кечирди – судланувчиларнинг барчасига амнистия акти қўлланилди. Бироқ, ўз вақтида олди олинган, газак олишига йўл қўйилмаган мазкур воқеа ҳар биримизга ибрат бўлиши керак.

Мақоламиз аввалида хато йўл сари илк қадамлар қаердан бошланади, деган мулоҳазани айтган эдик. Бизнингча, нотўғри қадам ташлаш, аввало, кўнгилдан бошланади. Киши ўз кўнглини эгаллаб олган ғоялар, қалбига ҳоким бўлиб турган хоҳиш-истакларнинг покпокиза эканини англаши, давлат ва жамият манфаатларига муштарак орзулар билан яшаши лозим.

**Саййидбобо ЎРМОНЖОНОВ.**

Нега шундай деймиз?

## "Кўзнинг эгаси бор"

Ҳар ким ўз танасидаги аъзонинг эгаси. Бунга шубҳа йўқ. Лекин бу иборанинг мағзида бошқа маъно яширинган.

Биласиз, ҳаётда ҳар хил тасодифлар бўлиб туради. Бехосдан биров отган тош ё кесак, ўзингиз ишлатиб турган меҳнат қуроллари, айтайлик, ўроқ, пансаха юзингизнинг бир жойига тегиб кетади. Қошингизга, пешонангизга, қулоғингиз, жағингиз, ёноғингизга.

Хайриятки, кўзингизга тегмайди. Шундай пайтда кексалар: "Аввало, Худонинг ўзи асрасин-у, кўзнинг эгаси бор-да", дейишиб, шукрона келтиришади.

Зотан, кўз – кўнгил булоғи. Албатта, бундай ҳодисаларда инсоннинг ақли бовар қилмайдиган синоат, сир-сеҳр бор. Демак, "кўзнинг эгаси бор..."

## "Оғзига чўп ўлчатиб олган"

Халқ – доно, топиб айтади. Бу ибора бировнинг гапи билан иш кўрадиган, ўз мустақил фикри бўлмаган, иродасиз одамга нисбатан ишлатилади.

Гўё бу одам хотини, онаси, бошлиғига ўз ихтиёрини шунчалик топшириб, тобе бўлиб қолганки, ҳатто иккинчи шахс унинг оғзига чўп ўлчаб олиб, оғзингни шу ўлчовдан катта очмайсан, яъни менинг гапимдан, чизган чизиғимдан чиқмайсан, деб қўрқитиб қўйган. Оғзига чўп ўлчатиш инсон учун тўтига ўхшаб бировнинг гапини такрорлаб юришдек гап.

Ибора салбий оҳангга эга.

**Нодирбек ТОҲИРОВ тайёрлади.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Фарҳод ТОЛИПОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-6665. Адади 7286. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.45.